# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

2001 ЙИЛ 22 феврал, ПАЙШАНБА

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 22 (6.235). Сотувда эркин нархда


## БУГУНГИ СОНДА:

**ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ**



*Банк ўз фаолиятини давр талаблари даражасида шакллантиришга ҳаракат қилаётганлиги мижозлари сонининг кўпайишига олиб келмоқда.*

(1-3-саҳифаларда)

**МАДАЛИЕВНИНГ ШИЖОАТИ**

*Мадалиев табиатан таваккалчи одам эмасми, у ўзича "ислоҳот" ўтказмоқчи бўлди. Умумий мажлис чақириб, ҳар бир деҳқон оиласига ерни биркитиб қўйиш фикрини ўртага ташлади. Оиласи билан бир гектар ер олган одамга беш сотих томорқа ери берилади. Икки гектар олганга ўн сотих.*

(1-2-саҳифаларда)

**"ХОН ЕРИ"**



*Энди "Каттабоғ" қишлоғининг номи ҳақида тўхталадиган бўлсак, у Хива хонининг шу ерда боғ ятатиш воқеаси билан боғлиқ.*

(1-4-саҳифаларда)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## НАВРЎЗ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА «ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ» ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ «Наврўз» байрамини муносиб кутиб олиш, юртимиз табиатини соғломлаштириш, мамлакатимиз чиройига чирой қўшиш, аҳоли ўртасида табиат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, баҳорги ободонлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Шу йилнинг 21 февралидан 21 мартгача мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказилсин.

2. «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш бўйича Республика ташкилий гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

3. Республика ташкилий гуруҳи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

уч кун муддат ичида жойларда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлари ташкил этсинлар;

мавжуд боғлар, дарахт ва буталарга агротехник ишлов ва шакл бериш, барча йўлларни таъмирлаш, зовур ва ариқларни, дам олиш масканларини, бозор ҳудудларини, қабристонларни тозалаш, тартибга келтириш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширсинлар;

ўзларига тегишли ҳудудларда янги боғ-роғларни барпо этиш, дарахтларни режа асосида, сифатига алоҳида эътибор берган ҳолда, ўз вақтида экишни ташкил этсинлар;

меҳрибонлик ва қариялар уйлари, болалар боғчалари, касалхоналар ҳудудларини янада ободонлаштириш, уларнинг атрофига манзарали ва мевали дарахтларни экишга алоҳида эътибор қаратсинлар;

ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, уй-жой ширкатлари аъзолари иштирокида кўп қаватли уйларнинг ташқи кўриниши, уйларга кириш йўлаклари ҳамда бириктирилган майдонларни тартибга келтирсинлар ва кўкаламзорлаштирсинлар.

4. Республика «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» ва «Наврўз» жамғармалари, «Экосан» халқаро жамғармаси, Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар бир ой мобайнида кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳашар кунларини ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўрмончилик илмий тадқиқот институти буюртма асосида манзарали ва мевали кўчатларни тегишли ташкилотларга ўз вақтида етказиб беришни таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз», Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармалари вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар иштирокида Наврўз байрами арафасида меҳрибонлик ва қариялар уйларига, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни кучайтирсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига аҳоли ўртасида тозаликка, атроф муҳитни ҳимоя қилишга эътиборни кучайтириш ва бу борада кенг ташвиқот ишлари олиб бориш топширилсин.

8. «Ўзтелерадио» компаниясига, республика оммавий ахборот воситаларига «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш жараёнини кенг ва мунтазам равишда ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 20 февраль

## ДАСТУР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Урганчда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил май ойидаги қарорига кўра қабул қилинган 1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Тегишли республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этган мазкур йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов бошқарди.

Йиғилишда ўтган даврда Дастурда кўзда тутилган қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, қишлоқ инфратузилмасини, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга доир чора-тадбирлар асосан бажарилгани қайд этилди.

Шу билан бирга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, «Ўзбектуризм» компанияси, «Ўзавтосаноат» уюшмаси, вилоят ва бир қанча туман ҳокимликлари раҳбарлари Дастур вазифалари ўз муддатида бажарилишини таъминламагани учун танқид қилинди.

Кўриб чиқилган масала бўйича вазирлик ва идораларга, шунингдек Хоразм вилоятининг ҳудудий органларига қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда йўл қўйилган сусткашлик ўрнини тўлдириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

**(ЎзА)**

## СЕН ЕРНИ БОҚМАСАНГ, ЕР СЕНИ БОҚМАЙДИ



***Худди шундай — сен ерни боқмасанг, ер сени боқмайди! Дарҳақиқат, муҳтарам Йўлбошчимиз ўтган йил якунлари ва 2001 йил вазифаларига бағишланган мажлисда алоҳида таъкидлаган бу сўзлари замирида саховатли кунимиз, тўю томошаларимиз, дастурхонимиз сероблиги, ноз-неъматлар мўллиги, эл-юрт фаровонлиги, Ватанимиз куч-қудрати, соғлом ва баркамол авлод истиқболи мужассам. Бу сўзларни мамлакатимиз раҳбари алоҳида урғу бериб шундай ифода этдиларки, шояд унинг мазмун-моҳиятини ерга алоқадор раҳбардан тортиб оддий деҳқонга қадар онг-шуурига, дилига жо қилиб олса: сен ерни боқмасанг, ер сени боқмайди!***

***Хўш, ерга меҳр қўйган, уни вақтида суғориб, вақтида парваришлаган деҳқон кам бўлганини бирор марта эшитганмисиз? Асло! Жиззахлик фермер Гадойҳожи Шодиев: - Мендан баъзан сўраб қолишади – бу ютуқларингизнинг сири нимада, деб. Жавобим оддий: ерга муҳаббат!***

Ахир, ерни ҳам тушуниш керак-да, - дейди у сўзини давом эттириб, - Қирқ гектар майдонни сифатли шудгор қилиб, гектарига 200 килограммдан ўғит солиб дон экдик. Бугунги кунда майсаларнинг авжи яхши. Бундан ташқари ҳозиргача ғалламизга 300 килограммдан аммофос бериб, гектарига 10 тоннадан гўнгни "шарбат" қилиб оқиздик. 40 гектар майдонни эса чигит экишга тайёрлаб қўйганмиз. Гапни чўзмай келинг, яхшиси, икки рақамни келтирай: агар 1993 йили ялпи даромадимиз 68 минг 104 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йили 20 миллион 636 минг сўмга етказилди. Шундан 8 миллион 102,7 минг сўми соф даромаддир. Бир ишловчининг йиллик даромади 10 мингдан 180 минг сўмга етди.

Қойил, дейишдан бошқа сўзни айтмайсиз. Деҳқон киройи шундай бўлса, деб дилингиздан ўтказасиз. Демак, Гадойҳожи акага ўхшаган деҳқонлар бор экан, ер "ўксинмайди", балки, унинг фидойиси, қаровчиси, бошида эгаси борлигидан яйрабяшнайди. Халқимиз ерга бундай меҳри баландларга топиб сўз айтган: "Беванинг тушига эр, деҳқоннинг тушига ер киради" деб. Ана шундай деҳқоннинг қўлидан ер, албатта, барака топади.

Аммо...

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда айтилганидек, ернинг саховати уни деҳқон қанчалик тўйдиришигагина эмас, балки, табиатга ҳам нечоғлиқ боғлиқлигини ҳаёт такрор-такрор исботлаб берган. Йўлбошчимиз айтганларидек, ўтган йил қишлоқ хўжалиги учун қанчалик оғир келгани барчамизга маълум. Ноқулай об-ҳаво шароити, сув тақчиллиги ва бошқа сабаблар оқибатида мамлакатимизда дон, пахта хом ашёси, шоли, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг етиштириш ҳажмлари белгиланганидан кам бўлди. Бу, айниқса, давлатимизнинг шимолий ҳудудларига кўпроқ зиён етказди. Лекин, шунга қарамасдан, "қаловини топиб" ердан мўлжалдаги ҳосилни олганлар беҳисоб. Хоразмлик деҳқонларнинг матонатли меҳнатидан ўрнак олса арзийди. Ахир, бу воҳада ернинг икки марта шўрини ювиш, экин экишга тайёрлашнинг ўзига хос мактаби бор.

Аммо...

Ерни алдайдиган, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, кун ўтказувчилар ҳоли танг бўлиши табиий. Ҳаттоки, ажратилган ўғитни ерга бермай, уни хуфёна "пуллаб" юборганлар кузга келиб, ер чизиб қолдилар. Керакли идоралар олдида қонунни бузганликлари учун елка қисиб, жавоб бердилар. Улар нафақат ўғитни, балки ерни суғориш, ишлов бериш, озиқлантириш каби агротехника қоидаларини бузиб, ўз касбларига хиёнат қилдилар. Бундай "уддабуронлар" нафақат ўзларини алдадилар, балки, эл-юрт ризқини қийдилар. Ахир, ота-боболаримиз "Ерга ошатсанг ош битар, ошатмасанг тош битар" деб бежиз айтишмаган. Бу оддий ҳақиқатни улар тушуниб етишлари шарт.

Демак, ерни тўйдирмасдан, ундан наф олиш даргумон. Ахир, ерга қараш шудгорлашдан бошланиши деҳқонга аён. Тўғри-да, азалдан деҳқончиликда мўл ҳосил асосини сифатли ўтказилган шудгор ташкил этади. Шунинг учун ҳам халқимиз томонидан "Ер ҳайдасанг – куз ҳайда, куз ҳайдамасанг – юз ҳайда", "Кузги шудгор, бошқаси бекор" деган доно сўзлар топиб айтилган. Чунки, тупроқ ҳам "тирик" мавжудот бўлиб, у ҳам дам олиши ва ўсимлик томонидан ўзлаштирилган тупроқдаги озиқа моддаларининг ўрнини бўлажак ҳосил учун "ғамлаб олиши" ўта зарурдир. Дастлаб тупроқни юмшатиш билан бир қаторда унинг "бадани"да йил давомида камайган органик ва маъданли моддалар ўрни тўлдирилиши шарт. Шўрхок ерларда эса ёз давомида заминнинг юқори қатламида тўпланиб қолган шўрни ювиб, тупроқнинг пастки қисмига туширилиши даркор. Бу ерга бўлган муносабатнинг бир кўринишигина, холос. Умуман, ер тўйгандагина ўз соҳибини ҳам тўйдиради.

**НИГОҲ**

Муҳтарам Йўлбошчимиз мажлисда уқтирганларидек, муҳим вазифалардан бири қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини оширишдан иборат. Бу соҳанинг барча муаммолари мулк масаласининг ечимига боғлиқ бўлиб турганини ҳамма англаб олиши зарур. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиши керак. Ана шунда мулкдор ўз ерининг қадрига етади.

Биз янги юз йилликка қадам қўйдик. Янги аср ибтидосининг қандай бўлиши 2001 йилда олдимизга қўйилган вазифаларни нечоғлиқ адо этишимизга боғлиқ. Бунинг учун сизу биз оддий кузатувчи ёки истеъмолчи бўлиб қолмасдан, жамиятимизда рўй бераётган ислоҳот ва демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланишимиз даркор.

Яқиндагина таваллуд кунининг 560 йиллиги нишонланган буюк бобокалон шоиримиз Алишер Навоийнинг пурҳикмат сўзларини эслайлик:

*Ранж кўрмай киши топарму фароғ,*
*Кўнгил ўртанмайин ёнарму чароғ,*
*Тухум ерга кириб чечак бўлди,*
*Қурт жондан кечиб ипак бўлди.*
*Лола тухумича рағбатинг йўқму?*
*Ипак куртичалик ҳимматинг йўқму?*

Илло, бундай рағбат, бундай ҳиммат мустақил давлатимизнинг фидойи инсонларига хос фазилатдир. Илоҳо, Яратган бизларни ана шу фазилатлардан дариғ тутмасин!

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги ҳамда оналар ва болалар йилига бағишлаб бир жилдлик «Болалар энциклопедияси»ни нашрдан чиқарди.**

● Республика Фанлар академияси Микробиология институтининг экспериментал-тажриба участкасида «azotobakter chroocum» бактериал ўғитнинг дастлабки юз килограмми ишлаб чиқарилди.

● **Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида қишлоқ хўжалиги соҳасини зарур техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш мавзусида семинар ўтказилди.**

● «Ўзпаррандасаноат» акциядорлик уюшмасининг паррандашунос селекциячилари маҳаллий товуқ зотини яратишди. Республикадаги паррандачилик фермалари инкубаторларида бундай товуқлар оммавий равишда етиштирила бошланди.

● **Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари комиссиясининг маҳалла оқсоқоллари, ўқув юртлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари иштирокида ўтган йиғилишида мактаб ва маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишлар муҳокама қилинди.**

● Сирдарё вилояти ҳокимлигида кузги ғалла экинларини парваришлаш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

● **Қашқадарёлик бир гуруҳ пахтакору ғаллакорлар, соҳа мутахассислари Бухоро вилояти хўжаликларида, қишлоқ хўжалик корхоналарида бўлиб, уларнинг иш тажрибалари билан танишди.**

● Жиззах вилоятида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб, фольклор жамоаларнинг анъанавий кўрик-танлови ўтказилди.

● **«Андижонмаш» акциядорлик жамиятида универсал «Комбинатор» осма чизелининг тажрибавий намунаси яратилди.**

● Нурота шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат лицейи ўқувчилари Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан «Навоий ёш мусаввирлар нигоҳида» кўргазмасини ташкил этди.

## ЎЗИ ЎЗИГА СИҒМАГАН ОДАМ



**ТАНИШУВ**

***Чустда Эркинжон Мадалиев деган раис бор. Ўз фикри, ўз йўлига эга, гапидан қайтмайдиган, қайсар одам. Тартиб-интизомни яхши кўради. Бир нарсага киришса, охирига етказмагунча қўймайди. Адолатсизликни кўргани кўзи йўқ.***

"Оқни қора, қорани оқ" дейдиган одамлар тоифасига дуч келиб қолсами, риояандишани бир четга йиғиштириб қўйиб, "ётиб-ёқалашишдан" тоймайди. Одатда бундай кишиларга қийин бўлади. Мадалиев ҳам 60 йиллик умрида кўп "чиғириқ"лардан ўтган. Ҳар гал тўғрилиги, ҳалол, камтарлиги билан бу "синов"лардан бутун чиққан.

**ОЧЕРК**

Яқинда туман ҳокими ҳузурига кириб борибди.

(Давоми 2-бетда)

**МАСЪУЛИЯТ**

**Лолахон Муротовани Олтиарикда бугун кўпчилик танийди. Опанинг қишлокда ҳурмати баланд, жамоасида обрўси бор. Ташкилотчи раҳбар, янгиликка ўч инсон, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, фармон ва қарорларни ҳаётга тадбиқ этишда фидойилик билан ишлаётган раис сифатида уни одамлар яхши билишади. Далаю боғларда Лолахоннинг қутлуғ излари бор. Меҳнат кишиларига – пудратчию деҳқонларга меҳрини берган. Тўй-маракаларда бош-қош.**

**...Аввалига курсни тугатиб, механизаторлик қилди. Трактор бошқариб, дала ишларида фаол қатнашди. Маълумотини оширди, қишлоқ хўжалигига оид бўлган қўлланма, рисолаларни кунт билан ўқиди, ўрганди, амалиётга тадбиқ этди. Шундан сўнг, пахтачилик жамоасига раҳбарлик қилди. Техника жиловкори масъулиятию, сувчи жавобгарлиги, тонналаб пахта тераётган чевар қўллар ҳаммасини жуда ҳам яхши ҳис этади. Негаки, унинг ўзи ғўза қатор ораларига ишлов берган, эгатларга об-ҳаёт тараган, ягана, ғўзани чопиқ ишларини бажарган, минг-минг килограммлаб "оқ олтин" терган.**

## ЭЛ БОШИ ЭПЛИ БЎЛСА...

(Давоми 3-бетда)

## ТИББИЙ САВОДСИЗЛИКДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

***Президентимиз учинчи минг йилликнинг дастлабки йилини мустақил Ўзбекистонда Оналар ва болалар йили деб эълон қилдилар. Хушхабардан ҳаммамиз шод бўлдик, қарсак чалиб, севиндик. Мамлакатимизда она билан бола эъзозланяпти, тасанно, дедик.***

Йилимизга нима учун яна оналар ва болалар тақдири билан боғлиқ масъулият юкланганини, шусиз ҳам ҳурматга муяссар волидалар ва фарзандлар алоҳида меҳр оғушига, эътиборга, ғамхўрликлар қуршовига олинаётганлигини чуқуррок ўйлаб, мушоҳада қилиб кўрдикми?!

**ТАҲЛИЛ**

Муҳтарам газетхон, келинг, бу гал очиқчасига дардлашайлик. Зеро, ошкора суҳбатлашишда ҳикмат кўп. Хаспўшлаш, яшириш, силаб-сийпалаш ҳеч қачон, ҳеч бир жамиятга фойда келтирмаган.

Шарқ ҳамиша аёллар ва болаларини эъзозлаб келган. Афсуски, узоқ давом этган истибдод йилларида аёллар қадри ерга урилди, болалар меҳрдан дариғ тутилди. Ҳар иккисига ҳам бекадр ишчи кучи сифатида қаралди. Шу сабабдан оналаримиз рўзғор ва дала қулларига, болаларимиз эса, гарчанд "Меҳнат дафтарчаси"га эга бўлмаса-да, жамиятнинг итоатли, текин ишчи кучига айланиб қолди. Иккиси ҳам руҳан мажруҳ, жисмонан майиб бўлдилар.

(Давоми 2-бетда)

**ЗАМОН - ИЗЛАГАННИКИ**

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида хусусий мулкчиликни ҳар томонлама кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Эндиликда хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва у ҳаётимизда кун сайин мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда.**

**Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-кувватлашда ҳамда унинг ривожини таъминлашда банкларнинг кўмаги муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини амалиётга жорий қилишда "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бўлимида қилинаётган ишлар ўзига хосдир.**

## МИЖОЗЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

**Банкнинг банк фойдасидан ва турли ажратмалар ҳисобидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси жорий йилнинг бошида 126244 минг сўм пулни ташкил қилди.**

(Давоми 3-бетда)

## МАЪРИФАТДА МАНГУ ЗИЁ БОР

***Оламнинг мунаввcovered— куёшдан. Унинг нури тоғу тошларга, сувлигу қуруқликларга баравар таралади. Қуёш нафақат мунавварлик, балки ҳаёт манбаи. У ягонадир ва унинг муқобили йўқдир.***

Шу сабабданми, ҳеч кимни қуёшга ўхшатмайдилар. Бироқ, одамлар табақасининг шундай қатлами борки, уларни эслаганда қуёш шуъласининг мунавварлиги ва ҳаётбахшлиги ёдга тушади. Булар – зиёлилар, илмли кишилардир. Бинобарин, қуёш бўла олмас экансан, ҳеч бўлмаса фонус ёки шамчироқ бўлиб, бир бечоранинг қалбини ёритиш қўлингдан келсин, дейишади илмли одамларни назарда тутиб.

**МАЪНАВИЯТ**

Биз табиатан маърифатпарвар халқмиз. Бу фазилатлар азал-азалдан ер юзида биринчи ёзувни ихтиро қилган, алгоритмни кашф этган, замин тарвузининг радиусини назарий ўлчаб берган... боболаримиздан ўтган. Жамоат жойларида зиёлилар иззат қилиниб, тўрга чиқарилади, бирор масалада тортишув кетса, илмли одамнинг гапига қулоқ тутилади. Кексалар йўлга тушиб ётган китоб варағини авайлаб олиб, девор тирқишига ёки қўл етмайдиган бошқа жойга қистириб қўйишади. Бундан олдин кўзларига суртиб, тавоб ҳам қилишади. Бу одат ҳам илмни – қоғозни – китобни қадрлаш аломати эмасми?

(Давоми 4-бетда)

**ҚИШЛОҒИНГИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?**

**Қадимий манбаларда Хоразм катта нуфузга эга, қудратли мамлакат бўлганлиги, ундаги тўрт юз қалъа, олтмиш минг қишлоқ, кўплаб дарё ва кўллар, сон-саноқсиз экин майдонлари, боғ-роғлари ҳақида айтиб ўтилса, X асрда юртимизга келиб, уни кўрган араб сайёҳи Ёқут Хоразмни "Ўн минг қалъали юрт" деб ёзган. Машҳур сайёҳ карвон йўлларидан ташқарига чиқиб, барча кент ва қишлоқларни айланиш имконига эга бўлганида эди, фикрини "Юз минг қишлоқли юрт" деб тўлдирган бўлармиди?**

## КАТТАБОҒ

**"Каттабоғ" қишлоғининг ёши ҳам 3000 йилларнинг нари-берисида. Қишлоқ бир қисмини ташкил этувчи "Олма отишган" (эски номи – Севкан) қалъаси бўлиб, Буюк ипак йўли устида жойлашган. Қалъа ёдгорлигининг устки қисмларида сақланиб қолган сопол идишлари қолдиқларига қараб, археолог олимларимиз уни милоддан аввал яратилган деган хулосага келадилар. "Олма отишган" қалъаси ҳақида шундай афсона айтилади.**

**Қадимда Хиванинг шарқ томонида бир-бирига ёнма-ён қурилган иккита қалъа бўлиб, атрофлари хандаклар билан ўралган экан.**

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ЮРАК АРДОҒИДА ЯШАЙДИ ВАТАН

НИҲОЛЛАРГА ПАРВАРИШ ЛОЗИМ

МАНГУ ТАФАККУР ТИМСОЛИ



# ДАЛАЛАРДА БОШЛАНАДИ ИШ



МАВСУМ

Деҳқон... Бу каломни эшитганимизда кўз олдимизга қўллари қадоқ, бошига оқ пешонабоғ танғиб олган ва албатта қўлида кетмон тутган инсон гавдаланади. Менга қолса бободеҳқонни фаришталардан-да юқори қўйган, улуғлаган, шоир Носир Хисравнинг жўяли сўзларига юз фоиз қўшилган бўлардим. Негаки, деҳқон ҳам фаришталар сингари ҳамма-ҳаммани яхшиликка бошлайди, эл-улус хизматида ҳозиру нозир бўлади. Бободеҳқоннинг билак кучи-ю, пешона тери билан униб ўсган неъматлари кундалик ҳаётимиз учун ниҳоятда зарурдир.

Бир вақтнинг ўзида йилнинг тўрт фасли ҳам намоён бўлувчи Сурхон воҳасининг Шеробод туманидаги Нуриддин Муродов номли ширкат хўжалигида ҳам биз юқорида таърифлаган меҳнаткаш, соддадил бободеҳқонлар кўплаб топилади. Айни кунларда мазкур хўжалик далаларида баҳор сеп ёя бошлади. Кўкламнинг илк даракчиси ҳисобланган – бодом оппоқ бўлиб гуллади. Мавжуд майдондаги ғалла яшил тусга кирди. Ширкат деҳқонлари иш қуролларини, техникасини шайлаб далага ошиқишмоқда. Чорвадорлар эса 356 бош қорамолни парваришлаш билан машғул.

Ғалла ва пахтадан мўл ҳосил олиш ниятимиз бор, - дейди хўжалик бош муҳандиси Хуррам Зиёдуллаев. – Ҳозирда чигит экишда ишлатиладиган барча техника воситалари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ғалламиз икки марта сувга қондирилиб, маъданли ўғитлар билан озиқлантирилди.

Хуррам аканинг сўзларини тинглаб, беихтиёр шоирнинг "Далаларда бошланади иш, бошланади ижод ва турмуш" деган барҳаёт сатрлари ёдга тушади.

**У.АКТАМОВ.**

**СУРАТЛАРДА: хўжалик ҳаётидан лавҳалар.**

**Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган суратлар.**

# ШЎРТАНДА ЯНГИ СТАНЦИЯ ҚУРИЛАДИ

***«Ўзбекнефтгаз» холдинг компаниясида Шўртан конида босимни кучайтирувчи янги компрессор станциясини қуриш лойиҳасини молиялаштириш борасида кредит битимлари имзоланди.***

Қатор хорижий банклар томонидан тақдим этилган ушбу кредитларни кафолатлашни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўз зиммасига олган. Кредитларнинг асосий қисми эса АҚШ «Эксимбанки» томонидан суғурталанади.

ДАВР

«Ўзбекнефтгаз» билан бу ҳақдаги битимни банк номидан АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж.Ҳёрбст имзолади.

Қашқадарё вилоятида жойлашган Шўртангаз конденсати конида йилига ўртача 15 миллиард куб метргача хомашё қазиб олинади. Кон 1980 йилда ишга туширилган бўлиб, мамлакатимизда қазиб олинаётган газнинг 36 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Янги компрессор станциясининг қурилиши бу ердан йилига 20 миллиард куб метргача газ қазиб чиқариш имконини беради.

«Ўзбекнефтгаз» томонидан мазкур лойиҳа учун эълон қилинган тендерда Япониянинг «Мицуи/Тойо Инжиниринг», АҚШнинг «Келлогг Браун энд Рут», «Дрессер Ренд», Франциянинг «Софрегаз», Исроилнинг «Бейтман Прожектс (1993) лимитед» каби талай йирик компаниялари иштирок этди. Барча таклифлар синчковлик билан ўрганиб чиқилгач, Исроилнинг «Бейтман прожектс (1993) лимитед» компанияси тендер ғолиби, деб топилди.

Лойиҳани молиялаштириш қатор хорижий банклар, хусусан, «АБН АМРО Банк» ва Исроилнинг «Хапоалим» банки томонидан ажратиладиган кредитлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзбекнефтгаз» маблағлари асосида амалга оширилади. Хорижий кредитларнинг асосий қисми, яъни 103,14 миллион доллар АҚШ «Эксимбанки» томонидан суғурталанади. Лойиҳанинг техникавий қисми учун жами 118,5 миллион доллар, бевосита ускуналар сотиб олиш учун эса 40 миллион доллар сарфланиши режалаштирилган.

Янги станция ишга тушгач, газ билан бирга, йилига 125 минг тоннагача полиэтилен ишлаб чиқариш имконияти ҳам туғилади. Режага кўра, янги станция 2003 йилда фойдаланишга топширилиши керак.

**ЎзА**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## БОШ КОТИБ ТАШРИФИ

***НАТО бош котиби Жорж Робертсон Москвага уч кунлик ташриф уюштирди.***

Ташрифдан кўзланган асосий мақсад НАТО – Россия алоқаларини ижобий тус олдириш ва Оврупо давлатларининг АҚШ ҳукумати янада такомиллаштиришга интилаётган РҲМ тизимига қўшилишлари ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашишдан иборат бўлди. Америка ушбу тизимни ривожлантириш учун 60 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратган. Кремлда Жорж Робертсон ва Владимир Путин ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида НАТОнинг Болтиқбўйи томон кенгайиши ҳақида ҳам гап борди. Аммо, рус ҳарбийлари Россия Федерациясининг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши учун эҳтиёж йўқ, мазмунида фикр билдирмоқдалар, дея хабар қилади ИТАР-ТАСС агентлиги.

## ОВРУПО ИТТИФОҚИНИНГ ЎЗГАЧА ЙЎЛИ

***Оврупо Иттифоқининг махсус комиссияси Жанубий Кавказ давлатларига ташриф буюрди.***

Авваллари мазкур Иттифоқ Грузия, Озарбайжон, Арманистон республикаларига иқтисодий жиҳатдан ёрдам беришга кўпроқ эътибор берар эди. Аммо, шунга қарамасдан минтақада коррупция жиноятчилиги ва аҳоли ўртасида очарчилик юзага келаётганлиги учун бундай ҳаракатини сустлаштирди. Энди у бошқа томондан, яъни минтақадаги тинчликнинг барқарор бўлишига кўмак бермоқда.

"Новости"нинг хабар беришича, яқин вақтларда Оврупо Иттифоқига Болгария, Руминия, Туркия давлатлари аъзо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Эрон билан ҳам алоқалар йўлга қўйилмоқда.

## ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЎТКАЗИЛМОҚДА

***АҚШ ва Исроил давлатлари беш кунлик ҳарбий ўқув машқларининг ўтказишини бошлади. Ушбу ҳарбий тайёргарлик вақтида "Петриот" зенит ракетаси мажмуи синаб кўрилади.***

Исроил мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, бу ўқув машғулотлари олдиндан режалаштирилган бўлиб, ўтган ҳафтанинг жума куни Ироқнинг АҚШ ва Буюк Британия давлатлари томонидан бомбардимон этилиши билан ҳеч қандай боғлиқ жойи йўқ.

Бу ҳақда Рейтер агентлиги хабар берди.

## ИНҚИРОЗ

***Яқин келажакда Афғонистон давлати улкан инсоний инқирозга юз тутиши мумкин, дея хабар берди Би-Би-Си жаҳон хизмати.***

Чунки, мамлакатда қарийб 21 йилдан бери давом этиб келаётган ўзаро ички урушлар, 30 йилдан буён кузатилаётган қурғоқчилик туфайли бир миллион киши очлик балосига мубтало бўлмоқда. Толибонларнинг олиб бораётган ўзбошимча сиёсатини БМТ расмий равишда тан олмагани учун, толибонлар Афғонистондаги БМТ ваколатхонасини ёпиб қўйганлар.

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

***Ниҳоят Индонезия ҳукумати ва "Ачех мустақиллиги ҳаракати" ўртасида Суматра оролининг шимолий қисмида жойлашган Ачех вилоятида содир этилган ҳунрезликларга чек қўйиш борасида ўзаро битимга келишилди.***

Ва бунинг натижасида, биргина ўтган ойда юз берган низоли воқеалар 259 тадан 58 тагача камайди.

Сепаратистлар раҳбари Абдулла Шафи, агар вилоятдаги ҳукумат қўшинлари сони келгусида ошадиган бўлса, у ҳолда ўртага яна совуқлик тушиши мумкинлигини билдирган. Ҳозирги пайтда Ачехда 30000 ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар ходимлари жойлашган.

## ҲИБСДАГИЛАРГА МУНОСАБАТ ҚАНДАЙ?

***Халқаро амнистия ташкилоти Хитой ҳибсхоналаридаги қамалганларнинг аҳволи ҳақида ҳисобот эълон қилди, дея хабар беради "Озодлик" радиоси.***

Лондонда жойлашган ушбу ташкилотнинг ҳисоботига кўра Хитой давлати қамоқхоналаридаги аҳвол аянчли бўлиб, қамалганларга нисбатан турли қийноқ усуллари қўлланилар экан. Мазкур ҳужжатда, айниқса, тибетлилар ва шинжонли уйғурларга нисбатан зўрлик ва куч ишлатилаётганлиги баён этилган. Бироқ, Хитой ҳукумати бу ҳолатни инкор этмоқда.

## "ФОРД"ГА ТАЛАБ КАТТА

***"Форд Моторз Компани" Россияга жорий йилда ўзи ишлаб чиқарган турли русумдаги 4000 та автомашина етказиб беришни режалаштирди, бу ўтган йилгига нисбатан уч маротаба кўп.***

Ростов-Донда бўлиб ўтган матбуот анжуманида компаниянинг МДҲ давлатлари бўйича вакили Алан Батти: "Бозор талабига қараб маҳсулотни сотиш ҳажми кенгайтирилмаса, бу борада инқирозга юз тутиш мумкин", - деди. "Форд" мутахассисларининг кузатувларига кўра, Россия бозорида бир йилда 700000 та машина сотилиши мумкин, дея хабар қилади АК энд М.

## "УСТА ВА МАРГАРИТА" ГОЛЛИВУДДА

***Михаил Булгаковнинг "Уста ва Маргарита" асари асосида Голливуд киноусталари фильм яратмоқдалар.***

Бу ҳақда Булгаков жамғармаси президенти Сергей Шиловский хабар берди. Ушбу янги лойиҳа продюссерларидан бири Светлана Мигунова эса фильмда таниқли актёрлардан Аль Пачино, Рэйф Файнс, Денни де Вито, Жон Малковичлар қатнашади, дея гапирди.

## ВАЦЛАВ ГАВЕЛ СОҒЛИҒИ ЁМОНЛАШДИ

***Чехия Республикаси президентини узоқ йиллардан бери бронхит касали безовта қилаётганди. Яқинда Вацлав Гавелнинг соғлиги яна ёмонлашиб қолди.***

Врачларнинг берган хулосасига кўра, президент шу ҳафта охиригача шифохонада даволаниши керак. Бу сафарги тиббий муолажалар тугагандан сўнггина, у фаолиятини давом эттириши мумкин.

## КЕМАЛАР ТЎҚНАШУВИ

***Болтиқ денгизининг Олмонияга тегишли ҳудудида кўнгилсиз ҳодиса юз берди.***

Нефть ташувчи "Лена" рус танкери олмонларнинг "Мария" теплоходи билан тўқнашиб кетган. Қурбонлар ва жароҳатланганлар ҳақида хабарлар йўқ. Фожиа сабаблари ҳам ҳозирча номаълум бўлиб турибди. Айни пайтда яроқсиз бўлиб қолган ушбу икки сув транспортини яқин бўлган портлардан бирига олиб чиқиш ишлари бошланган, дея хабар берди "Эхо Москвы".

**Молиявий Янгиликлар Агентлиги "Виртуал кутубхонаси" билан ҳамкорликда тайёрланди.**

# МИЖОЗЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

**(Боши 1-бетда)**

Ўтган йили махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан 73 нафар якка тадбиркорларга, деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун 118,9 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган эди.

Маълумки, ҳар бир инсонда тадбиркорликнинг муайян тури билан шуғулланиш учун етарли иқтидор, малака бўлиши мумкин. Фақат унга фаолиятни юритиш учун зарур маблағ бўлса, бас. Айнан унинг баайни ўша ишини йўлга қўйиб олишида асосан мададкор "Пахта Банк" бўлаётир. Банкдан кредит олган кўпгина тадбиркорлар қисқа муддатда яхшигина иқтисодий самарадорликка эришаётир. Бунга мазкур жамғарма ҳисобидан берилган кредитларнинг 8819 минг сўми субъектлар томонидан қарзни муддатидан олдин қайтарилгани яққол фикримизга мисол бўла олади.

Юқори Чирчиқ туманида Рустам Ўтамалиев тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун 2000 йил 6 мартда 612,5 минг сўм бир йил муддатга банкдан микрокредит олган эди. Олган маблағига хомашё сотиб олиб, пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. У ўтган йили 950 минг сўм фойда олди ва олган кредитини шартномада кўрсатилган муддатдан олдин банкка қайтарди. "Пахта Банк"нинг Зафар бўлими томонидан "Султонқул" фермер хўжалигига 1 миллион сўм кредит берилган эди. Натижада фермер хўжалиги 2000 йил якуни бўйича 1506 минг сўм даромад қилиб, аҳолини 2 тонна гўшт ва 2600 литр сут билан таъминлади. Банкдан олинган кредит ва устама фоизлар белгиланган муддатда қайтарилди.

"Пахта Банк" вилоят бўйича - 2001 йил 1 январ ҳолатига кўра жами 420 та хўжалик субъектларига 678,2 миллион сўм қарз берди. Шундан банк ўз маблағлари ҳисобидан 524,3 миллион сўм кредит маблағ ажратди.

Берилган кредитлар ҳисобидан якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари 114 тонна ёки 97,2 миллион сўмлик гўшт, 467,5 минг литр ёки 37,4 миллион сўмлик сут маҳсулотлари етиштирдилар. 935 тоннадан ортиқ картошка ҳосили олинди. Бу эса 65,4 миллион сўм даромад келтирди.

Банкнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш тадбирлари банкка ҳам фоизлар ҳисобидан яхшигина даромад келтираётир.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берган 47,2 миллион сўмлик кредитлари мижозлар томонидан қайтарилди. Шунингдек, бюджетдан ташқари берилган кредитлар ҳисобидан 6,9 миллион сўм устама фоиз ундирилди.

Биз кредитлаш қоидаларини соддалаштириш йўли билан кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги субъектларни банкнинг кредит ресурсларидан янада кенгроқ фойдаланиш учун янги имкониятлар очиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз, - дейди, "Пахта Банк"нинг вилоят бўлими бошлиғи Туйғун Абдуллаев. –Айниқса, микрокредитлар илк бор тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун жуда қўл келмоқда. Чунки, микрокредитни банкка қайтариш муддати анча узоқ. Устамаси эса атиги 12 фоиз. Микрокредитлар учун кўпроқ маблағнинг ажратилиши, вилоятимизда тадбиркорлар сонининг ортишини таъминлаши шубҳасиз.

Бу вазифаларни бажариш учун "Пахта Банк"нинг вилоят бўлими қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. "Пахта Банк" бошқаруви ташаббуси билан бу йил вилоятда камида 100 та фермер хўжаликларига 5 мингдан 10 минг АҚШ долларига тенг миқдорда кредит беришга қарор қилди.

Тўғрисини айтиш керак, банк билан муносабатда бўлувчи ёки банкдан кредит олиш ниятида юрган мижозларнинг ҳали кўпчилигида банк билан қандай алоқада бўлиш, банк ва мижознинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунчаси тўлиқ шаклланмаган. Шунинг учун бошқарма "Банк-Мижоз" дастури бўйича жойларда товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ва деҳқон фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида кредит масалалари бўйича семинар-ўқувлар ва банк соҳасининг турли йўналишлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бораётир.

Банкнинг барча бўлимларида мижозлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, тадбиркорлар бурчаги мавжуд. У ерда қизиқувчилар ўзлари учун истаган маълумотларни олиши мумкин. Шу билан бирга банк мижозлари, жумладан, тадбиркорлар учун банк балансининг очиқлиги таъминланган. Банкнинг ресурс имкониятлари ҳамда шаклланган имтиёзли кредитлаш жамғармаси миқдори ҳақидаги маълумотлар тадбиркорлар эътиборига ҳар куни тақдим қилинади.

Банк ўз фаолиятини давр талаблари даражасида шакллантиришга ҳаракат қилаётганлиги мижозлари сонининг кўпайишига олиб келмоқда.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА**

# ЭЛ БОШИ ЭПЛИ БЎЛСА...

**(Боши 1-бетда)**

Пахтачилик унга беш қўлдай аён.

"Нуробод" ширкат хўжалигининг "Янгиер" бўлимига ўн олти йил раҳбарлик қилди. Меҳнатни севди, ерни эъзозлади, астойдил ишлаётганларни улуғлади. Бу ҳаракатлари бесамар кетмади. Ҳосилдорлик ошди, деҳқон чўнтаги пул кўрди, дастурхонларида тўкинлик бўлди.

Янги аср арафасида Лолахон Муротова хўжаликни бошқаришга тавсия этилганда бу таклифни "нуробод"ликлар якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Ахир, ишда синалган, пахтачиликда тажрибаси бор, маҳалла-кўй орасида ўз ўрни бўлган бу инсонни раиса бўлиши ҳаммага маъқул тушган эди. Лекин, халқнинг юксак ишончи ортида катта масъулият, эл ташвиши, қолаверса, катта бир хўжаликнинг эртанги тақдири борлигини юрак-юракдан ҳис этар эди у.

Ўтган йили хўжаликда гектар ҳисобига 33 центнерга яқин ҳосил олинган, мева, полиз, сабзавот режалари зиёди билан бажарилган бўлса-да, кўнгли таскин топмайди. Фойдаланилмасдан қолган имкониятларни қидиради, йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ излайди, янгиликларни қишлоқ хўжалигига дадиллик билан жорий этиш борасида ўйлайди. Катта Фарғона каналидан обҳаёт олиш учун сув иншооти қурилишида ўзи бош бўлди. Янги боғлар яратди, ерлар ўзлаштирди. Қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда кенг кўламли ишларга қўл урди. Ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлари кўп, орзулари қат-қат, ниятлари катта.



"Нуробод"ликларни нурли йўлларга бошлашдек олижаноб ишларида Лолахон Муротовага куч-қувват, ишларида омад ёр бўлсин деймиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

СУРХОН ТОМОНЛАРДА

## "ОҚШОМ" ТЕРМИЗДА ҲАМ БОР

***Сурхондарё вилоятидаги чоп этилаётган матбуот нашрлари сафига яқинда "Термиз оқшоми" деб номланган янги газета қўшилди.***

Нишона сони ўн олти саҳифалик бу газета мавзуларининг ранг-баранглиги, хабар ва мақолаларининг ўқимишлилиги билан ўқувчиларга маъқул тушди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва вилоят телерадиокомпанияси муассислигида чиқа бошлаган бу газетага таниқли журналист Гелдимурод Саидмаликов муҳаррирлик қилмоқда.

"Термиз оқшоми"нинг нишона сонида Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган мақолалар ва шеърлар берилган.

## ТУТЗОРЛАР ҲАМИША КЕРАК

***Сурхондарёда бугунги кунда 2668 гектар тутзорларда 15 миллион тупдан кўпроқ тут дарахти ўсмоқда.***

Тутларнинг шарофати ўлароқ сурхондарёлик пиллакорлар мавсум пайтида у қадар қийналишмаётир.

Шунга қарамай, вилоят пиллакорлари тутлар сонини янада кўпайтиришга ҳам жазм этишган. Улар бу йил яна бир миллион тупга яқин кўчат экишга аҳд қилишган. Кўчат экиш эса аллақачон бошлаб юборилди. Ҳозиргача 500 минг тупдан кўпроқ тут кўчати қадалди, натижада 6 гектар майдонда янги тутзор барпо этилди.

**"Туркистон-пресс"**

## "ЁШЛАР ХИЁБОНИ" БУ

***Ғаллаорол тумани марказида "Ёшлар хиёбони" барпо этила бошланди. Катта ўзбек трактидан бурилиб, Ғаллаоролга киришдаги 20 гектар майдонда бунёд этилаётган бу дам олиш маскани ўрни яқингача ташландиқ ер эди.***

Бироқ бу жой табиий гўзаллиги, айниқса баҳор ва ёз ойларида баҳаволиги билан кишиларни бағрига чорларди.

"Ёшлар хиёбони"да барпо этиладиган амфитеатр, фавворалар, сузиш ҳовузлари, спорт майдончалари, умумий овқатланиш нуқталари ва бошқа маданий-маиший, спорт иншоотлари бу гўзалликни янада оширади.

ТАШАББУС

Табиийки, ҳамиша ёшлар билан гавжум бўладиган бундай қайноқ гўшада туман ёшлари "Камолот" марказининг маъмурий биноси қад ростлайди..

Бугунги кунда лойиҳа ва чизмалар ҳам ниҳоясига етиб, хиёбонда иш бошланди. Тумандаги хўжалик, корхона, ташкилот ва ўқув юртлари жамоалари қурилиш майдонининг ҳар бир қаричини ўзаро бўлишиб олиб, бинолар тикламоқдалар, кўчатлар ўтқазмоқдалар. Хиёбон атрофини чиройли тўсиқлар билан ўраш, канализация ва водопровод қувурлари ёткизиш, гулзорлар жойини ҳозирлаш ва бошқа ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Катта ҳашарга Ғаллаорол паррандачилик ҳиссадорлик жамияти, геология қидирув партияси, 62-механизациялашган кўчма қурилиш ҳиссадорлик жамияти, йўл қурилиш бошқармаси жамоалари ҳам катта улуш қўшмоқдалар. "Ёшлар хиёбони" ва ёшлар Марказини қуришда туман қишлоқларида яшовчи саховатпеша тадбиркорлар, фермерлар ҳамда тижоратчилар ҳам сидқидилдан қатнашаяптилар.

Бугун Ғаллаорол "Ёшлар хиёбони" қурилишида иш қайнамоқда. Туманнинг барча кексаю ёши ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб, уни халқимизнинг Наврўз байрамигача тугаллаш ҳамда айём шодиёналарини шу ерда ўтказиш учун меҳнат қилаяптилар.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ**

Купим ТРАКТОРЫ Т28Х4
т. 371 683359, 1691723, 316185

ЯХШИ ХАБАР

## ДЕҲҚОНГА КЎМАКДОШЛАР

***Бухоро вилояти пахтакорларига техника етказиб берувчи ташкилотлар сони яна биттага кўпайди.***

"Бухорогўштсутсаноатсавдо" ҳиссадорлик савдо-ишлаб чиқариш компанияси деҳқонларимиз оғирини енгил қилиш мақсадида Тошкент трактор заводи билан 150 та чопиқ трактори харид қилиш учун шартнома тузди. Яқинда ана шу техниканинг дастлабки туркуми – 21 та "ТТЗ-80" Бухорога келтирилди.

-Тошкент трактор заводи билан янги қишлоқ хўжалик техникаси харид қилиш учун 684 миллион сўмлик шартнома тузганмиз, - дейди "Бухорогўштсутсаноатсавдо" ҳиссадорлик савдо ишлаб чиқариш компанияси раиси Мақсуд Муҳаммедов. – Деҳқонларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳаракатларимиз эса, давом этаверади. Тракторларни вилоятга босқичма-босқич келтирамиз.

**Дилмурод ЖАББОР, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЧОРВАГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

***Деҳқон ва чорвадор меҳнатининг самараси кўпинча сараланган навга, йиллар давомида яратилган зотга боғлиқ. Ота-боболаримиз деҳқончилик бир йил, чорвачилик қирқ йил, деб бежиз айтишмаган.***

Чунки, чорвачиликда асл зотни яратиш узоқ муддатни тақозо этувчи ғоят машаққатли жараён бўлиб, уни сақлаб қолиш эса яна мушкулроқ.

Хусусан, зотдор ҳисори қўйлар ҳақида гап кетганда, энг аввало, кўз олдимизга Сурхон воҳаси келади. Бундай қўйлар азал-азалдан Сариосиё ва Бойсун туманларида боқилган. Уларнинг отарда боқилгани 100 килограмм атрофида тош босса, гўштга боқилганининг вазни 170-190 килограммгача етиши мумкин.

Хўш, бугунги кунда Сурхон воҳасида чорвачиликнинг аҳволи қандай? Ота-боболаримиз яратган зотдор ҳисори қўйлар бугун ҳам кўзимизни қувонтираётирми?

Сариосиё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича муовини Абдуғаффор Ражабовдан шу ҳақда сўраганимизда, очиғига кўчиб қўя қолди.

-Барчамизни қийнаётган катта масалалардан бири, бу чорвачиликка бўлган муносабатдир, - деди у куюниб. –Айримлар уни яхши самара бермайдиган соҳа деб билади. Ўттиз йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим лозимки, қалб қўри ва юрак меҳри билан қаралса, чорвачилик кони фойда. Фақат унинг машаққатидан чўчимаслик керак.

Мана сизга бир мисол. Бундан бир неча йил муқаддам Болтқибўйи республикаларидан зотдор молларни олиб келган эдим. Надоматлар бўлсинки, чорва молларининг

ТААССУФ

ўз эгаларини топмаганлиги натижасида бу зотлар йўқолиб кетди. Чорвадан хабари бўлмаган ёки унга қўл учида муносабатда бўлган одамларнинг айби билан кўплаб зотли молларга қирон келди, ҳатто ҳозир улар бутунлай йўқолиш арафасида турибди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, туманда бугунги кунда қорамоллар сони 3400 бошни ташкил этади. Чорванинг камайиб кетишига юқорида зикр этганимиздек, шу соҳадан бехабар одамларнинг чорвачилик билан шуғулланиши бир сабаб бўлса, иккинчи - чорва учун экин майдонларининг етарли эмаслигидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар бош шартли мол учун 0,45 гектар ер керак. Аммо чорва фермаларини ва фермерлар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу шартли меъёр тўла бажарилмаётир. Масалан, тумандаги "Имкон" хусусий фермаси бошлиғи Султонмурод Авазов Бобур номли ширкат хўжалигидан 1995 йили 371 бош молга эга бўлган фермани хусусийлаштириб олганди. Бугунги кунга келиб феремерда атиги 28 гектар ер бўлиб, имкониятлари чегараланганлиги сабабли нафақат қорамоллар сони камайиб кетган, балки уларнинг зотига ҳам путур етган. Нега шундай нохуш ҳол юз берди? С.Авазовга меъёрдаги ер ажратилганда эҳтимол бундай салбий оқибатлар юз бермасмиди?

Илгари ҳисори қўйлар сони туманда 43 мингдан ошарди. Бугунги кунда уларнинг сони 32 мингдан сал ошади. Устига-устак, қўйларнинг зоти ҳам ўзгариб, вазни кутилган натижаларни бермаяпти.

Агар аҳвол жиддий таҳлил қилиниб, кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрилмаса ота-боболаримиз йиллар давомида яратган зотлар йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Кейинги аттангдан эса фойда йўқ.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ, журналист.**

# МАЪРИФАТДА МАНГУ ЗИЁ БОР

(Боши 1-бетда)

Шундай қилиб, бутун жамиятда бўлгани каби қишлоқларда ҳам зиёлилар бугун ўзгача эъзозга, эътиборга эга. Очиғини айтадиган бўлсак, бундай муносабатни уларнинг ўзлари ҳар доим ҳис қилиб туришлари лозим. Мабодо акси бўлса, одамлар назаридан қолиб, мавқени йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Ҳозирча гап бу ҳақда эмас.

Эндиликда замонавий зиёли тушунчаси кенг қамровли бўлиб, кечаги тасаввур доирасига сиғмайди. Шунчаки ҳарфни таниган ёки ўқишнигина билган кишиларни зиёли ҳисоблаб, қаторнинг олдига ўтказиш сингари одатлар ширин хотира сифатида ўтмиш бўлиб қолди. Бугуннинг зиёлиси атрофдагиларга ибрат бўладиган, шахсий маданият ва турмуш тарзига эга, мукаммал саводли ва ўз соҳасининг пухта билимдони бўлиб, у билан мулоқотда бўлганлар дилига равшанлик олиб кирадиган зот. Шунинг учун ҳам бу ўринда қуёшу чироқни беҳуда эсламадик. Бироқ ҳали зиёлининг энг асосий фазилатини қайд этганимиз йўқ. У воқеаларнинг олдида борувчи, ўзгаришларга фаол муносабат билдиришга, кўпчиликка етакчилик қилишга лойиқ раҳбар-раҳнамо бўлмоғи лозим. Ахир, сафнинг орқасида эмас, олдида бўлган ёруғлик йўл бошловчилик вазифасини бажара олади-да. Мамнун бўладиган томони шундаки, ўлкамизнинг истаган бурчагида бундай кишилар кўплаб топилади.

Албатта, давраларни, дилларни ёритиш осон эмас, бунинг учун киши шамнинг қисматини ўзига раво кўриши керак, яъни ёниши керак. Ёниш бу – ўзни фидо қилиш, ўзни бахшида этиш. Эҳтимол, зиёлиларга нисбатан таркиб топган азалий ҳурматда ана шу фидойиликнинг баҳоси мужассамлашгандир.

...Бир пайтлар содда деҳқон илмли одамнинг олдига чиқиб, "Мулла ака, харидор келди, томорқамда етиштирган ошқовоғимни нархлаб берсангиз" деб маслаҳат сўраган. Энди эса одамлар халқаро аҳвол, мустақилликнинг моҳияти, келажакнинг қиёфаси сингари тил учида турган масалаларда зиёлилардан жавоб кутмоқда. Олдинлари деҳқоннинг ҳожатини чиқариш қийин бўлмаган, икки томоннинг имкониятидан келиб чиқиб, инсофли тўхтамга келинган. Энди-чи? Замон сўроғига жавоб бериш осонми? Инсоф билан айтганда, осон эмас. Бу саволларга чуқур жавоб бериш учун кенг маълумот, билимдан ташқари яна кўплаб истеъдод керак бўлади.

Гап ўз-ўзидан айланиб, бугунги зиёлиларимизнинг қанчалик фаоллиги, ҳозиржавоблигига бориб тақаляпти. Агар шу ҳақда мулоҳаза юритадиган бўлсак, баъзи эътирозларни баён этмай илож йўқ. Негаки, жамиятимизда янги ижтимоий муносабатлар таркиб топяпти, бозор иқтисодиётига ўтиляпти. Янги тартибларнинг жорий бўлиши асносида иккиланишлар, адашишлар, мослаша олмаслик – давр руҳини тезкор ҳис эта олмасликлар бўлиши табиий. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам иймон, ҳалоллик, инсоф, диёнат сингари умумбашарий қадриятлар амал қилаверади.

...Яқинда бир танишимиз афсус билан шундай деб қолди: "Ҳозир зиёлилар, умуман, одамлар ўқимай қўйди. Китоб, газета-журнал ўқимай қўйди". Ҳар қандай баҳонани рад этиб, бу фикрга муносабат билдирайлик. Инсониятнинг ўз тарихида тўплаган маънавий бойликлари китобларда жамланган. Бу бойлик саҳифаларида барча саволларга жавоб бор. Негаки, дунёда ҳеч нарса мутлақ янгилик эмас, "ҳар қандай янгилик унутилган эскиликдир", дейдилар. Хўш, ўқимасдан, янгиликлардан хабардор бўлмасдан, бугунги давр сўроғига қандай жавоб топиш мумкин? Содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тафаккур элагидан ўтказиб, қай йўсинда баҳолаб бўлади? Ахир китоб мутолаа қилинмаган жойда фикрлаш тўхтайди.

Бу, аслида, лоқайдликдан эмасмикан? "Лоқайдлик – қалбнинг мажруҳлигидир", деган эди донишмандлардан бири. Бизнинг эса ана шундай масъулиятли паллада лоқайд бўлишга асло ҳаққимиз йўқ.

Қаранг, теваракда қандай ўзгаришлар рўй беряпти: янги қурилишлар, байрамлар, миллийлик ва тарихий қадриятларимизнинг қайтаётгани, бутунлай олдингига ўхшамаган авлод. Табиий, пана-панада бўй кўрсатаётган нуқсонлар... Айримларимиз эса буларнинг барчасига бепарвомиз, лоқайдмиз. Гўё бизга алоқаси йўқ, бошқа дунёда содир бўлаяпти булар. Тириклик ҳаққи, шундай ҳолга чидаб бўладими? Айниқса, халқнинг йўлчи юлдузи, маслаҳатчиси ҳисобланмиш зиёлиларнинг бундай кайфиятга тушиши кечирилмас ҳолдир.

Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, бу Ватан – барчамизники, унинг порлоқ келажаги учун биргаликда ҳаракат қилсаккина орзу қилинган кунларга, нурафшон истиқболга тезроқ етамиз.

Хонадоннинг фаровон ҳаётига зеб бериб, чироқ порлайди, қоронғу кечани кундуздек ёруғ қилади. Илм нури ҳам ҳар бир дилни нурафшон айлаб, эзгу тилакларга ошно қилсин. Бу борада зиёлиларимиз фидойи бўлишларига ишонамиз.

**Ҳаким САТТОРИЙ**





**Истиқлол йилларида қурилган ҳар бир бино кўнглимизга жон қадар яқин. Янги коллежлар, маъмурий бинолар, хиёбонлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда.**

**Халқимизнинг саломатлигини тиклаш учун соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бир талай ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Янги шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Урганч шаҳрида 160 ўринли вилоят тез тиббий ёрдам маркази ишга тушди. Малакали шифокорлар ишга жалб этилди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган бу марказ замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Олий тоифали травматолог шифокор Пўлатжон Халилов. 2. Бинонинг умумий кўриниши.**

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

# КАТТАБОҒ

(Боши 1-бетда)

Уларнинг беклари бир-бирига душман бўлганлигидан қалъа одамлари ўртасида ҳеч қандай борди-келди қилинмаган. Фалак ўйинини қарангки, Оллоҳ уларнинг бирига ўғил, бирига қиз фарзанд ато этибди. Йигит бир куни қалъа девори устида сайр қилиб юрганида иккинчи қалъадаги бек қизига кўзи тушибди. Улар бир кўришдаёқ бир-бирига боғланиб қоладилар. Йигит қизга чиройли олмалардан отар, қиз эса унга шу зайл муҳаббатини изҳор қиларкан. Улар бир-икки бора пинҳона учрашганлар ҳам.

Қизнинг севгисидан хабар топган отаси уни бу йўлдан қайтаролмайди. Охири бир хонага қамаб қўяди ва фарзандининг оҳу фарёдларига қулоқ солмай, яқин маҳраминининг ўғлига беришга қарор қилади. Орзу-умидларига етолмаслигини аниқ билган қиз қалъа деворидан ўзини ташлаб севгиси йўлида ҳалок бўлади. Буни эшитган йигит ҳам шундай йўл тутади. Иккала пок муҳаббатдан ёдгор бўлиб, фақат "Олма отишган" – бир элатнинг номи қолган.

"Олма отишган" қалъаси қолдиқлари бизнинг замонамизга ҳам етиб келган. Қалъа харобалари академик Яҳё Ғуломов томонидан XX асрнинг 40-50-йилларида ўрганилган. У қалъанинг пайдо бўлишини Буюк Кушонлар империяси даври, яъни эрадан аввалги II-I асрларда пайдо бўлган деб ҳисоблайди. "Олма отишган" қалъасини ковлаш чоғида топилган сопол хум – зардуштийлик тобути унинг ёшини 2000-2500 йилдан кам эмас, деган хулосани беради.

Қишлоқда "Мўлтанг" деб аталувчи элат бор. Унинг номи Шимолий Ҳиндистондаги Мўлтон вилоятидан кўчириб келтирилган кишилар шарафига қўйилган.

Энди "Каттабоғ" қишлоғининг номи ҳақида тўхталадиган бўлсак, у Хива хонининг шу ерда боғ яратиш воқеаси билан боғлиқ. Шоир ва тарихнавис Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг "Равзатус - сафо" деб номланган китобида шундай ёзади: "Оламнаноҳ хон ҳазратлари" (Оллоқулихон) Қутлимурод Иноқ ва Оллаш Мушрибга шундай амр этдилар: "Бир боғ барпо этингки, ул боғ Боғи Эрамдан кам бўлмасин". Хон амри вожиб. Амалдорлар ишга киришдилар. Оллоқулихон ўз иниси Қутлимурод Иноқни одамлари билан энг хуш ҳаво жойдан боғ ўрнини танлаш учун теварак атрофдаги қишлоқларга юборади. Улар барча жойда бўладилар ва охири қадимий Робот (ташқи қалъа) деган жойни танлайдилар.

Белгиланган жой "хон ери" деб эълон қилинади. 150 танобдан иборат бу майдонга сув келтириш қийин бўлганлигидан хонликдаги бутун ишга ярокли кишилар қазувга жалб қилинади. Кўп машаққатлар билан Полвон каналидан сув келтирилади. Майдон тайёр бўлгач, энг сара навли мевали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Тажрибали кишилардан боғбонлар тайинланади. Боғ ўртасида дам оладиган сарой қурилиши ҳам бошланади. Боғ аста-секин кенгайтирилиб, 200 таноб, яъни 80 гектарга етказилади ва у "Каттабоғ" деб атала бошланади...

**Холмурод ҚУРБОНОВ, Гулнора МАТНАЗАРОВА.**

## СПОРТ ОЛАМИДА

### НИЯТЛАР ИЖОБАТ БЎЛСИН

***Сўнгги вақтларда мустақил Ўзбекистон футболи ҳам аста-секинлик билан бўлса-да, олдинги поғоналарга кўтарилмоқда.***

Албатта, тан олиш керак, бизнинг футболчиларимиз, мураббийларимиз дунё миқёсида ўтаётган баҳсларга сира тайёр эмас. Чунки, бизда тезлик, техника, профессионаллик даражаси етишмайди. Балки бунинг учун аввало машғулотлар савиясини орттириш, маблағ масаласини яна бир бор кўриб чиқиш, қолаверса, яхши ўйинчиларимизнинг қўнимсизлигига барҳам бериш керакдир.

Яқинда ФИФА томонидан эълон қилинган феврал рейтингида Ўзбекистон терма жамоаси бор-йўғи 74-ўринни эгаллабди, холос. Юқорига кўтарилиш учун эса, биз анча тер тўкишимиз зарурга ўхшайди. Ажаб эмас, тез йилларда ниятларимиз ижобат бўлса!

### КАПИТАН СОТИЛМАЙДИ

***Мюнхеннинг "Бавария" футбол клуби "Спартак" жамоаси сардори Егор Титовни 50 млн немис маркаси эвазига сотиб олиш ниятида эканлигини маълум қилди.***

Бироқ, спартакчилар бу тўғрида ҳатто эшитишни ҳам исташмаётганга ўхшайди. Жамоа техник директори Александр Шикуновнинг айтишича, бундай таклифлар Егорга нисбатан илгари ҳам Италия, Англия ва Оврупонинг яна бошқа қатор давлатлари томонидан айтилган. Сардор эса, фақат ўз жамоасида бўлишни истамоқда. Балки, бу ҳам меҳр-муҳаббатнинг кичик бир бўлагидир.

### БУНДЕСЛИГА МУХЛИСЛАРИНИ ЙЎҚОТМОҚДА

***Немис футбол федерацияси раҳбарияти сўнгги пайтларда бундеслигадаги ўйинларга мухлислар келиши кескин камайиб кетаётганлигидан ташвиш чекмоқда.***

Тўғри-да, рақамларга назар ташланса, бу йилги мавсумда томошабинлар сони 4,8 млн кишини ташкил этди. Бу ўтган йилдагидан 5,5 фоизга кам демакдир. Федерация вакили Вернер Хакман "Буларнинг ҳаммасига телевидение айбдор, - демоқда. – Чунки улар биздан матчларни ҳафтанинг 3 кунига белгилашимизни талаб этишади. Ўйинлар эса ҳар хил вақтларда бошланади. Оқибатда асосий ўйинларни шанба кунлари тунда ўтказишга тўғри келяпти. Ахир, кечаси одамлар дам олишадими ё ўйингоҳга чопишадими? Ҳурматли телевидение ходимлари ҳеч бўлмаса тунги мусобақаларимизни қойиллатиб кўрсата олишганида эди, нур устига аъло нур бўларди".

### КАФЕЛЬНИКОВЧАСИГА ЎЙИН

***Братиславадаги муваффақиятли чиқишлардан сўнг машҳур теннисчи Евгений Кафельниковни 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги совринли турнирда қатнашиш учун Марселга таклиф этишди.***

Лекин у Франция сари унчалик шошилмаётган эди. Ахир, Мюнхендаги футбол бўйича "Спартак" ва "Бавария" баҳсларини қолдириб кетадими?!

Ниҳоят, қизиқарли футбол томошаларидан сўнг у Марселга етиб келди ва баҳсларни ажойиб бир кайфиятда бошлаб юборди. Бу сафарги мусобақалар, тўғриси, Женя учун унчалик қийин кечгани йўқ. Финал баҳсларида у француз теннисчиси Себастьян Грожанни 7-6, 6-2 ҳисобида мағлуб этди. Натижада навбатдаги чемпионлик титули ҳамда 66400 Америка доллари микдоридаги совриннинг эгаси бўлди.

**О.ҲАЙИТОВ тайёрлади**

1-Тошкент Тиббиёт институти томонидан 1996 йилда Имомқулова Зумрад Отабоевна номига берилган 950235-рақамли врач-акушер-гинекологлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Ўзбек қоракўли" компанияси жамоаси мутахассис Н.Х.Зульпитдиновга онаси
**ОЙША АЯ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


"КИМЁҚИШЛОҚМАШ" ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАҚДИМ ЭТАДИ



Ўзбекистон ва Исроил давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «ОПШХ-12/15» русумли пневмоштангали пуркаш ускунаси

✓ Ушбу пуркаш ускунаси пахтакорларга ғўза ва ўсимликларни ҳар хил зарарли ҳашаротлардан, касалликлардан ҳимоя қилишда энг замонавий восита;
✓ ускуна, ғалла майдонлари, картошка ва экинзорларни кимёвий препаратлар билан қайта ишлашда қулай ва тежамкордир;
✓ пуркагич экинзорларни ёппасига гербицидлашда чекланмаган имкониятга эга;
✓ у 1380 литр сиғимли идиш-бак ва 12/15 метр узунликдаги пуркаш қанотларидан иборат;
✓ пуркаш ускунасини «Кейс 5230Х», «Кейс 4240Х», «ТТЗ-100-ХК», «Т-28Х4М», «МТЗ-80Х» русумли тракторларга ўрнатиш мумкин.

Италия технологиясига асосланган «ОВМ-300/600/1200» русумли вентиляторли боғ пуркагич




✓ Пуркагич боғ ва узумзорларни, шунингдек, бутазор ва экин майдонларини турли хил зарарли ҳашаротлардан кимёвий препаратлар ёрдамида ҳимоя қилишда қўлланилади.
✓ Пуркагич «Т-28Х 4М», «МТЗ-80», «Кейс 5230Х», «Кейс 4240Х» русумли тракторларга тақиб ишлатилиши мумкин.
✓ Бир соатда 2-4 гектар боққа, 2-7 гектар узумзорга, 6-20 гектар экин майдонига кимёвий препаратлар билан ишлов бериш имкониятига эга.
✓ Бак сиғими-300/600/1200 литр.

Шошилинг! Харид қилинг! Арзон нархлар, сифатли ускуналар!
Тошкент, Т. Шевченко кўчаси, 54. Тел: 56-58-37. Факс: 55-68-11.



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР: *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзбекипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

Телефонлар: Қабулхона - 133-09-93 - 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30 (факс).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-519-58; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган, Фарғона - 8-369-22-652-10; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-640-80; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.

Навбатчи: Ш.КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00 | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди | 1 2 3 3 4 6.